

## **ХИВА ХОНЛИГИ ХУНАРМАНДЧИЛИГИДА ХУНАРМАНДЛАР РИСОЛАЛАРНИНГ ЎРНИ, МАВҚЕИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.**

***Матякубов Шоназар Собирович***

*Хоразм Маъмун академияси*

*катта илмий ходими.*

[shonazarmatyobovv@gmail.com](mailto:shonazarmatyobovv@gmail.com)

***Аннотация:*** Мақолада муаллиф Хива хонлиги хунармандчилигида хунармандлар рисолаларининг ўрни, мавқеи ва тарбиявий аҳамияти ҳақида маълумотлар беради.

***Калит сўзлар:*** Ўрта Осиё, Хива, рисолалар, хунармандчилик, устоз-шогирд, кулолчилик, қассобчилик.

***Аннотация:*** В статье автор предоставляет информацию о месте, статусе и просветительском значении ремесленных брошюр в ремеслах Хивинского ханства.

***Ключевые слова:*** Средняя Азия, Хива, брошюры, ремесла, мастера-подмастерья, гончарное дело, мясное дело.

***Annotation:*** In the article, the author provides information about the place, status and educational significance of craft brochures in the crafts of the Khiva Khanate.

***Keywords:*** Central Asia, Khiva, brochures, crafts, apprentice craftsmen, pottery, butchery.

Ўрта Осиё ҳудудида, жумладан, Хива хонлигида хунармандчиликни ташкил этиш тартиби ва анъаналари хунармандларнинг рисолаларида ўз аксини топган. Рисола сўзи араб тилидан келиб чиққан бўлиб, хат, нозил этилган, тарғибот, хунармандчиликка бағишланган асар, рисола маъносини англатади. Хунармандчилик рисолалари маълум бир хунарнинг тарихи, унинг пири,

маросимлари, шу ҳунарни эгалламоқчи бўлган шогирдларга қўйиладиган талаблар, уста-шогирд ўртасидаги муносабатлар ҳақида муҳим маълумотлар мавжудлиги билан бошқа ёзма манбаалардан фарқ қилади. Рисолалар инсонда ўзини касбга муносиб тутиш маданиятини, устоз-шогирд ўртасидаги ҳурмат муносабатларини, касбга садоқат, тўғрисиқлик, ҳалоллик каби фазилатларни тарбиялашда аҳамияти катта бўлган. Ҳар бир касб-ҳунарнинг рисоласи мавжуд бўлиб, улар орқали мазкур ҳунарнинг тарихи, пиру-муршидлари, машҳур усталари ҳақида маълумотларга эга бўлинган. Устознинг қўли остидаги шогирдининг тарбиясига жавобгарлиги, уни бир неча йил тарбиялаб, ҳунарининг барча сир-асрорини ўргатиб, унинг келажагига масъул шахс эканлигини кўрсатади. Устоз шогирддан мазкур ҳунар рисоласи кўрсатмаларига амал қилишни ва унда таъқиқланган гуноҳ ёки ҳаром деб ҳисобланган ишлардан узоқ бўлишни, мижозлар билан мулоқотда хушмуомала бўлишни, ҳар бир ишини сидқидилдан бажаришни талаб қилган. Ҳатто рисоаларда ушбу кўрсатмаларга амал қилинмаса, ҳунарманд рисола оёқ ости қилса охирати вайрон бўлиши, қиёмат куни юзи қаро бўлиши, худонинг ғазабига учраши, аҳли аёли билан ажрашиши лозимлиги, устоз томонидан 18 дарра урилиши каби жазолар билан таҳдид қилинган. Бу эса рисоаларда кўрсатилганидек, устоз-шогирдлик мактабида таълим ва тарбиянинг ҳамоҳанглигини исботлайди. Ўрта Осиё ҳунармандлари рисоалари кўпинча умумий жиҳатларга эга бўлиб, улар авлоддан-авлодга қўлёзма ҳолида етиб келган. Рисолалар тўпламининг айримлари Санкт-Петербург Шарқшунослик институтида, ЎзРФАнинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, Ўзбекистон Миллий Университетининг музей фондларида сақланади. Айрим рисола матнлари эса Туркестанская туземная газеталарида нашр қилинган. Хива ҳунармандларига хос бўлган бир неча рисоалар бизгача етиб келган. Булар қассобчилик, деҳқончилик, этикдўз ва кавушдўзлик рисоалари бўлиб, Хивадаги Ичан қалъа музей кўрикхонасининг архив фондларида сақланмоқда. Ушбу учта рисоланинг ёзилиш услуби ва Хоразм шеvasидаги сўзларнинг учрашига кўра, улар

маҳаллий ҳаттот томонидан XIX асрда кўчирилган бўлиши мумкин. Улар алоҳида варақлар кўринишида бўлиб, уларнинг чети яшил тўғри чизиқли ҳошия билан, атрофи эса зар билан безатилган. Рисолалар настаълиқ хатида, эски ўзбек ёзувида иккита устун кўринишида ёзилган. Уларнинг учтаси ҳам Ўрта Осиёдаги бошқа рисолалар каби бошида Оллоҳга ва унинг пайғамбарларига ҳамду санолар айтиш билан бошланган. Сўнгра Оллоҳнинг инояти билан фаришталар Ҳазрат Жаброилга рисолада кўрсатилган ҳунар турини қандай ўргатганлиги ҳақида маълумот берилиб, Имом Жаъфар Сиддиқдан ёки Содиқдан бу ҳунар кимларга қолдирилганлиги ва улардан бу ҳунарни бошқалар қандай ўрганганлиги ҳақида ривоятлар айтилади. Буни “рисолаи қассобчилик” мисолида яққол кузатиш мумкин. Унда ушбу машғулот тарихи қисқача баён қилиниб, қассоблар учун муҳим бўлган дуолар, фазилатлар алоҳида кўрсатиб ўтилади. Рисолага биноан қассоблар 12 та сифатларга эга бўлишлари лозим бўлган. Хусусан, аввал ўзларини (дилини) пок тутмоғи, иккинчидан ҳар доим таҳорат олиб юриши, учинчидан хушхулқ бўлмоғи, тўртинчидан қассоблар учун ёзилган дуоларни ўқиб юрмоғи, бешинчидан пирлар руҳига такбир айтмоғи, олтинчидан пирлардан яхшилиқни тиламоғи, еттинчидан тўғрисўз бўлмоғи, саккизинчи олам аҳлини дўст тутмоғи, тўққизинчи садақа қилмоғи, ўнинчи устахонасини азиз тутмоғи, ўн биринчи одоб билан муомала қилмоғи, ўн иккинчи зикр ва тасбеҳ билан бўлмоқлик бу ҳунар эгалари олдига шарт қилиб қўйилган [1]. Ичан қалъа музей қўриқхонасида сақланаётган қассоблар рисоласи XX аср бошларида М. Гаврилов томонидан ўрганилган қассоблар рисоласига ўхшаш бўлса ҳам, қисман фарқ ва тафовутларга эга. Бу рисолалардаги ривоят бир-бирига ўхшаш бўлса-да, қассоблар амал қилиши лозим бўлган фазилатларда тафовутлар бор. Иккала рисолада ҳам қассоблар учун 12 та қоида мажбурият қилиб юкланган. Хива рисоласидаги еттинчи фазилат тўғрисўзлик бўлса, саккизинчиси шогирдларни эрта-ю кеч ўқитиш ҳисобланган. М. Гаврилов тадқиқ этган рисолада эса еттинчи сифат олам аҳлини дўст тутмоқлик, саккизинчи фазилат сифатида тўғри сўзлик назарда тутилган. Ҳар иккала

рисоладаги бошқа сифатлар бир-бирига мос келади. Бундан кўринадики, рисоалар бир-бирини такрорлайди ва тўлдириб боради. Ичан қалъа музей кўриқхонаси архивида сақланаётган яна бир рисола-Бисмиллоҳ муза ва кафшдўзлик деб номланади. Оллоҳга ҳамду санолардан кейин, рисола имом Жафар Сиддиқ ривояти билан, яъни ул жаноб Ҳазрат Солиҳ пайғамбарга кавушдўзликни каромат қилинганлиги, бу хунарни қандай ўргатганлиги баёни билан бошланади. Маълум бўлишича, бу хунар Ҳазрат Солиҳдан Юнус пайғамбарга ўтган. Рисолада ёзилишича, оёқ кийим тикиладиган терига дастлаб кимс-ранг берилиши лозим бўлган. Рисола сўнггида савол-жавоб тариқасида кавушдўзларнинг иш жараёнида қандай оят ва ибодатлар қилиниши баён этилган. Улар жумласига терини кесардаги оятлар, кимс(бўёқ) қилганда, пошна ёпиштирурда, пошнани ортиқча жойини кесарда, чармдўзлик қилганда қандай оятлар ўқилиши кўрсатилган. Ушбу кўрсатмалар шогирдга савол-жавоб орқали қайд этилган. Жумладан, унда савол: Соҳиби такбир кимларни дўст этадурлар? Жавоб: аввал Ҳазрат Жаброил алайҳиссаломни, иккинчи -ҳазрат Одам алайҳиссаломни учинчи ҳазрат Нух алайҳиссаломни тўртинчи ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломни бешинчи Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломни дейурларида ўлтурурлар деб қайд этилади. Шунингдек, рисолада бу хунарни ўрганиш истагидаги ҳар ким ушбу рисолага амал қилмаса гуноҳкор бўлиши, бу хунар жуда улуғ хунарлардан бўлиб, пиру устодлардан садоқат ва истезод билан ўрганилса ва рисолаи ҳафтада ёки ойда ёки бир йилда ўқиб эшитса, устозлар ва пир устодлар хоз қатвош қилиб ўтказиб, арвоҳина бағишласалар улар хушнуд бўлиб, бу косибларга хизматкор бўлур[2]-дейилади. М.Гаврилов хунармандлар рисоаларининг аксарияти форс тилидан таржима қилинганлигини таъкидлайди. Ичан қалъа музей кўриқхонасида сақланаётган Хива хонлигига тегишли деб топилган рисоаларда ҳам форс, араб тили элементлари мавжуд бўлиб, матн асосан туркий тилда ёзилган. Уларнинг Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги хунармандлар рисоалари билан умумийлик ва ўхшашлик жиҳатлари кўп. Ушбу рисоаларни қачон кўчирилгани қайд этилмаган. Рисоалар

араб алифбосининг настаълиқ хатида ёзилган бўлиб, ёзилиш услуби ва қоғозига қараб XIX аср бошларида битта хаттот томонидан кўчирилган деб айтиш мумкин. Хивада нафақат бирор бир маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳунармандлар, балки аҳолининг турли ижтимоий табақалари вакиллари ҳатти-ҳаракатларини тартибга солишга йўналтирилган рисолалар ҳам бўлган. Улар жумласига-девоначилик, қозиларнинг бурч ва мажбуриятлари анъаналари ёзилган “рисола-и қози-қуззот”ни келтириш мумкин. Ўрта Осиёнинг бошқа жойларидаги каби хонликда муайян мол олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахслар номига “фуруш” сўзи қўшилиб айтилган. Улар жумласига чойфуруш, кигизфуруш, қандолатфуруш, супургифуруш, рўянфуруш, ёғочфуруш, чопонфуруш ва шу кабилар мансуб бўлиб, ушбу фаолият билан машғул шахслар ҳам ўз касбининг рисолаларига эга бўлганлар. Улардан бири Хива чойфурушлари дастури бўлиб, унда кўрсатилишича, таркиб топган анъанага кўра чой савдоси билан шуғулланувчиларнинг оқсоқоли калонтар бошчилигида ҳафтанинг чоршанба куни “пир арвоҳи” маросими ўтказилган. Бу маросимда иқтисодий имконияти юқори бўлган усталар қўй сўйиб, бунга қурби етмаганлар гўшт сотиб олиб, палов пиширганлар. Таомни ейишдан олдин пир арвоҳига бағишлаб дуо ўқилган. Паловни егандан кейин такбир ўқиб бўлиб, чойфурушлар ўз дўконларига кетганлар. Янги дўкондор ўз дўконини очмоқчи бўлса, тўққизта нон ва узум олиб келиб, калонтар ва икки-учта ёши улуғ қарияларни чақириб, фотиҳа олганидан сўнгина чой сотишга мўлжалланган ўз дўконини очиши мумкин бўлган. Агар шогирд бу анъанани бажармаса, калонтар унга чойфурушлик дўконини очишга рухсат бермаган. Шунга мувофиқ равишда унга нисбатан ижтимоий фикр шаклланган, одамлар уни гуноҳкор санаганлар ва ундан эҳсон олингандагина гуноҳи кечирилган. Хива чопонфурушлар анъанасига кўра пир арвоҳи ҳар 15 кунда ўтказилган. Хива хонлиги деҳқонлари ҳам ўз рисоласига эга бўлганлар унда: Огоҳ ва доно бўлғилким ул султони авлиё ва дарвешини анбиё орифу ошиқ яъни ҳазрат Имом Жаъфар Сидиқ ва раҳнамоини мувофиқ ривоят қилурким Ҳазрат Одам

алайҳиссаломдин то жаноб расулуллоҳ саллолаҳу алайҳи вассалам замонилариғача 7770 деҳқон ўтубдурлар[3] дейилади. Бухоро хонлигида мавжуд бўлган деҳқонларининг рисоласида эса Ҳазрат Одам алайҳиссаломдан аълайҳи вассаламнинг замониғача 7777 нафар деҳқон ўтганлиги[4], яна бир деҳқончилик рисолаларидан бирида эса дунёдан ўтган улуғ деҳқонлар минг етти юз эканлиги қайд этилади [5]. Ривоятларда бундай тафовутлар кўп бўлишига қарамай улар бир бирини тўлдиради. Хива деҳқончилик рисоласига кўра деҳқончилик билан шуғулланмоқчи бўлганлар 7 та амалга риоя қилиши лозим бўлган. Хусусан, улар ниятда пок бўлмоғи, ниятда рост бўлмоғи, диёнатлилик бўлмоғи, такбир айтмоғи, яъни Оллоҳу акбар демоғи, аҳкомни бажо келтирмоғи, яъни намозда ва рўзада жамаи фарзларни бажо келтирмоғи, доимо таҳорат бирла бўлмоғи, худойи таолонинг ҳар амирларини бажармоғи шарт бўлган. Рисолада деҳқонлар уруғни ерга қадашдан олдин саккиз нарсага эътибор қаратиши лозимлиги эслатиб ўтилади. Улар чин эътиқодга эга бўлмоғи учун пирларнинг арвоҳларига тиловати Қуръон қилмоғи уруғни ўнг қўлга олмоқлиги, ҳар неча ғзаби келса ютмоқлик, кўнгилини кенг тутмоқлик, доимо таҳорат бирла бўлмоқ, Худойи таоло номини ёддан чиқармаслиги лозим бўлган. Рисолада деҳқонлар кўш кўшганда, омоч билан ер ҳайдаганда, буғдой, жўхори, арпа, шоли, зиғир, кунжут, тарик, мош, қовун, тарвуз, қовоқ, сабзи, турп, пиёз эккандаги оятлар, деҳқончиликка сув берганда, хирмон янчарда, дон совурганда, қопга солганда, уйга олиб келгунча қандай оятлар айтилиши ёзилган. Рисола охирида ушбу кўрсатмаларга амал қилмаганлар бебаракат бўлишлари, агар рисола муқаддас билиб, ундаги Қуръондан келтирилган оятларни ўқиса, охиратда ушбу ҳайри саховатлари бошига соябон ва жаннатий бўлишлари баён қилинади. Бу ўринда қайд қилиб ўтиш лозимки, хонликда Ўрта Осиёнинг бошқа давлатларидаги каби деҳқончилик билан асосий машғулотидан ташқари, аҳолининг турли қатлами кўшимча фаолият сифатида шуғулланган. Шаҳар аҳолисининг турли ижтимоий қатламлари хусусан, ҳунармандлар бир вақтнинг ўзида ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан

шуғулланганлар. Шаҳардан ташқаридаги ҳовлиларга эга бўлган. Айрим машғулот тури, касб-корларнинг ҳам рисоласи бўлиб, улардан бири “Рисола-и милтиқандоз”[6] бўлиб, у милтиқ отувчиларнинг кичик китобча кўринишидаги, настаълиқ хатида камончилар рисоласининг қайта ишланган шакли бўлиб, қора сиёҳда, рус қоғозига XIX асрнинг биринчи ярмида кўчирилган рисоласидир. Авваллари рисола ҳарбий истехкомда сақланган бўлса, уни чўнтак миқёсида ҳажмининг кичрайиши, қўлёзманинг ёзилиш услуби ва муқоваланишидаги ихчамлашиши ҳарбийларнинг ёнида олиб юришидаги қулайликка мўлжалланганлигини кўрсатади. Кўпгина рисолалар каби милтиқ отувчиларнинг рисоласи ҳам дастлаб Оллоҳга ҳамду санолар ва Имом жафар Сиддиқ ривояти билан бошланади. Рисолада ёзилишича, милтиқ отарлик паҳлавон Исмоил Румийдан қолган. Ундан паҳлавон Ғайибуллоҳга, ундан уста Саид Қарнашкийга, ундан уста Азиз Табризга, ундан уста Низомуддин Бағдодийга ундан Ахмад Замчийға қолган. Рисолада милтиқ олганда, милтиқ солганда, милтиқни белга боғларда, милтиққа дори (порох) кўярда, ўқ соларда, нишонга тутарда, милтиқ юварда, милтиқ қуритарда қандай оятлар ўқилиши ёзилган. Унда кўрсатилишича, мерганчиликдаги ўн иккита фарзларга амал қилиш таъкидланади. Булар биринчиси саховат; иккинчиси мурувват; учинчиси кифоят; тўртинчиси инобат; бешинчиси каромат; олтинчиси таҳорат бирла бўлмоқ; еттинчиси омонатга хиёнат қилмаслик; саккизинчи сафдошларига хиёнат қилмаслик; тўққизинчи савоб ишлар қилиш; ўнинчи етимларга меҳр ва шавқат қилмоқ; ўн биринчи холис ниятли бўлмоқ; ўн иккинчи ибодат қилмоқ лозимдир. Хулоса қилиб айтганда юқорида келтирилган маълумотлар хонликда асрлар давомида ҳунармандчилик соҳалари ривожини билан боғлиқ равишда уни ташкил этиш, устоз-шогирдлик мактаби анъаналари такомиллашиб борганлиги, бу ўринда рисолалар муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. Ҳунармандлар рисолалари инсонда муайян касбга муносабатни шакллантиришда муҳим ўрин тутганлиги, устоз-шогирд ўртасидаги алоқалар касбга садоқат, тўғри сўзлик, ҳалоллик каби фазилатларни тарбиялашда аҳамияти



катта бўлган. Бундай рисолалар Ўрта Осиё давлатларидаги каби Хива хонлигида ҳам мавжуд бўлиб, ўзининг бир қатор жиҳатлари билан бошқа хонликлардаги рисолалардан фарқ қилганлиги, бу эса Хива хунармандчилиги доимо ривожланишда бўлганлигини ва ушбу жараён рисолаларнинг такомиллаштирилиб борилишига замин бўлганлигини исботлайди. Вояга етиб келаётган навқирон ёш авлод, ота-боболаримиз томонидан яратилган хунармандлар рисолаларини мазмун-моҳиятини ва тарбиявий аҳамиятини мукаммал ўрганиб, ҳар бир инсон учун бир марта бериладиган ҳаётларида ўзлари учун муносиб касб-хунарларни мукаммал эгаллаб, рисолалардан эса келгуси ҳаётлари учун ибратли амалларни ўзлаштириб олишлари зарур бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ичан қалъа музей кўриқхонаси архив фонди, инв. № 4838 қўлёзма. Рисола-и қассобчилик.— 3 варақ.
2. Бисмиллоҳ муза ва кафшдўзлик. Ичан қалъа музей кўриқхонаси архив фонди инв. № 4838 қўлёзма. 2а варақ.
3. Рисола-и деҳқончилик. Ичан қалъа музей кўриқхонаси архив фонди, инв. № 4838 қўлёзма. 1- варақ.
4. Хунармандлар рисоласи / Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи т.ф.н. Р. Қиличев. – Бухоро 2007. – Б. 7.
5. Деҳқончилик рисоласи // Туркестанская туземная газета 1902, № 22.
6. 507 Рисола-и милтиқандоз. Ўзбекистон Миллий университети музей фонди, қўлёзма, инв. №159486. –1а – 7б варақлар.